

Shuxrat TOKHTIEV,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF
UZBEKISTAN,
Teacher of the department IRCICA of History and
Source Studies of Islam
sh.toxtiev@iiia.uz 11, A.Kadiri, Tashkent, 100011,
Uzbekistan.

XX-XXI АСР БОШЛАРИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ШИА ЖАМОАЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТИ

СОЦИАЛЬНАЯ И КУЛЬТУРНАЯ ЖИЗНЬ ШИИТСКИХ ОБЩИН ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ В XX-НАЧАЛЕ XXI ВВ.

SOCIAL AND CULTURAL LIFE OF THE SHIITE COMMUNITIES OF CENTRAL ASIA IN THE XX-EARLY XXI CENTURIES

Таянч сўзлар: эроний, форс, марви/маври, Самарқанд, Бухоро сунний, шиа, имамий, исмоилий, Панжоб.

Ключевые слова: ирани, форс, марви/маври, Самарқанд, Бухара, сунниты, шииты, имамиты, исмаилиты, Панджаб.

Keywords: *Irani, Persian, Marvi / Mavri, Samarkand, Bukhara, Sunnits, Shiites, Imamites, Ismailites, Pandjab*

Ҳозирги даврда Марказий Осиё ҳудудида бошқа майда диний жамоалар қаторида истиқомат қилиб келаётган шиа жамоалари тарихи, яъни уларнинг Марказий Осиёга кириб келиши, жамоа сифатида шаклланиши, ҳаёт тарзи, уларнинг тарихимизда тутган ўрни, урф-одатлари, анъаналари, шиалик вакиллари эътиқоди асосида ҳудудимизда юзага келган қадамжолар масаласи Ўзбекистон тарихшунослиги, исломшунослиги, этнографияси ва маданияти нуқтаи назаридан ҳануз чуқур узвийлик ва тизимли равишда тадқиқ этилмаган. Зеро, Марказий Осиёдаги шиа жамоалари тарихини чуқур ўрганиш, диний урф-одатларини тадқиқ қилиш Ўзбекистон тарихи, этнографияси, исломшунослиги ва маданиятининг ўзига хос ажралмас бир қисми, деб ҳисобласак ўринлидир. Чунки шиа жамоалари бир қанча асрлар давомида Марказий Осиёнинг сиёсий, ижтимоий-маданий ҳаётида ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб келмоқда ва бу ҳудудда истиқомат қилувчи бошқа диний жамоалар билан узвий боғлиқ бўлган. Ана шу жиҳатдан ҳам мазкур ёзилган мақола Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон тарихини ўрганишда долзарб тадқиқотлардан биридир.

Мақола Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистондаги исна-ашарий (имомий) ва исмоилийлик оқими вакиллари бўлган шиъа жамоалари тарихи ва маданиятининг таҳлилига бағишланган. Мақолада маълумотлар тарихдан маълум – шиъа ва суннийлар ўртасидаги қарама-қаршиликлар нафақат диний, сиёсий ва ижтимоий муносабатларда, балки ислом доирасида икки катта йўналиш вакилларининг тўғридан-тўғри кураш олиб боришгача етганлиги ҳамда бу икки йўналиш вакилларининг бир-бирига “кофир” тамғасини қўлагани, гоҳида эса, ўзаро ҳарбий юришлар ва қонли тўқнашувлар сабаби – диний томондан қабул қилмасликни сиёсий қарама-қаршиликдан ажратиб бўлмай қолган даврлар инobatга олинган ҳолда тадқиқ этилган.

Шунингдек, ҳозирда асосан ҳанафий суннийлар орасида истиқомат қилган ҳолда азалдан ўз диний анъана ва маросимларни сақлаб келаётгани ҳамда шиъалик вакилларининг Марказий Осиёга кириб келиши тарихи, мавжуд шароитлар туфайли эронийларни Ўзбекистон маданияти ва фанига қўшган ҳиссаси, эронийлар каби этник гуруҳлар маҳаллий шароитларга мослашиб, ҳатто, ўзининг тегишли таъсирини кўрсата олганлиги, эронийларнинг чекланган ассимиляция жараёнини (айниқса, тил ва маданият жиҳатидан) кузатиладиган, аммо ушбу этник гуруҳ ўзига хос хусусиятлари (идентификацияси)ни сақлаб қолганлиги ҳақидаги маълумотлар тадқиқ қилинган.

Статья посвящена обзору истории и культуры шиитских общин Центральной Азии, в частности Узбекистана, которые исповедуют шиизм, иснаашаридского (исмамитского) и исмаилитского толков. Исторически доказанные многовековые противоречия шиитов и суннитов порой приобретали форму не только конфессиональных, политических или дипломатических конфликтов, но и оказывали серьезное влияние на взаимовосприятие мусульман двух конфессиональных направлений внутри ислама, что иногда выливалось в почти физическую неприязнь между суннитами и шиитами. Взаимовраждебность этих двух конфессиональных направлений ислама побуждала их носителей использовать ярлык «неверный» по отношению друг к другу. А иногда трудно было отделить простое конфессиональное неприятие от политических противостояний, что, в свою очередь, часто становилось поводом для взаимных военных экспансий, кровавых столкновений и т.п. В процессе формирования народностей Центральной Азии особый интерес представляют история появления отдельных этнических групп и те изменения, которые происходили в результате сближения с окружающей этноязыковой средой. Ныне, несмотря на окружающую преимущественно суннитско-ханафитскую религиозную среду, шииты испокон веков продолжают хранить особенности своего религиозного ритуала и свою конфессиональную самоидентификацию. В статье также рассмотрены некоторые исторические данные о переселении и проникновении шиитских течений в Центральную Азию.

The article is devoted to a review of the history and culture of the Shiite communities of Central Asia, in particular Uzbekistan, which professes Shiism, from the Isnaasharid (Ismamite) and Ismaili interpretations. The historically proven centuries-old contradictions of Shiites and Sunnis sometimes took the form of not only confessional, political, or diplomatic conflicts, but also had a serious impact on the mutual perception of Muslims of two confessional directions within Islam, which sometimes resulted in an almost physical hostility between Sunnis and Shiites. Mutual hostility of these two confessional areas of Islam prompted their carriers to use the label “wrong” to each other. And sometimes it was difficult to separate simple confessional rejection from political confrontations, which, in turn, often became an occasion for mutual military expansion, bloody clashes, etc. In the process of the formation of Central Asian nationalities, the history of the emergence of individual ethnic groups and the changes that occurred as a result of a rapprochement with the surrounding ethnic language environment are of particular interest. Now, despite the predominantly Sunni-Hanafi religious environment, Shiites from time immemorial continue to preserve the features of their religious ritual and their religious self-identification. The article also discusses some historical data on the resettlement and penetration of Shiite currents in Central Asia.

Тарихдан маълумки, милодий 680 йилда Карбалода Хусайн ибн Али ва унинг сафдошларининг Муовия ибн Абу Суфён (605-680) қўшинлари томонидан ўлдирилиши конфессионал ва мафкуравий жиҳатдан бутун мусулмон оламини батамом икки диний-сиёсий лагерга – суннийлик ва шиъаликка бўлинишига олиб келган. Араб халифалигида юзага келган сиёсий шароит туфайли

шиъаликнинг сиёсий ва конфессионал ғоялари аста секин Шарқ томонга қараб ёйила бошлаган ва халифаликнинг шарқий вилоятлари халқлари эвазига ўз тарафдорлари қаторини кенгайтирган. Ислам дини Марказий Осиёга тарқалиши билан айрим шиъа оқим ва гуруҳларининг тарқалиши учун бу ерда замин яралган (al-Xasan ibn Musa an-Naubaxti, 1973:21-28).

Марказий Осиё асрлар давомида асосан суннийлар яшайдиган ҳудуд бўлиб келмоқда. Зеро, халифаликда сиёсий ва диний курашнинг бошида, айниқса, Уммавийлар (661-750) сулоласининг тугатилиши ва Аббосийлар (749-1258) сулоласининг халифаликда ҳокимиятни қўлга олишлари даврида Марказий Осиёда шиалик йўналишининг мўътадил ва кескин (ғулот) оқимлари билан биргаликда кўплаб диний-сиёсий оқим ва гуруҳлар паноҳ топган. Мисол тариқасида Салжуқийлар (IX-XIV асрлар) даврида қарши кураш олиб борилган қарматий-исмоилӣ гуруҳини эслаш мумкин (Gafurov B., 1949:247-252).

Шиа оқим ва гуруҳларининг Марказий Осиёдаги кейинги тақдири кам ўрганилган. Аммо бизгача етиб келган манба ва адабиётлардан маълумки, XVI асрдан бошлаб эронлик шиалар Марказий Осиёнинг айрим ҳудудларига мажбурий ва мунтазам тарзда кўчириб олиб келинган. Бу давр Темурийлар сулоласи ерларининг алоҳида давлатларга бўлинишига тўғри келиб, узлуксиз ўзаро тўқнашувлар ва истилочилик урушлари ҳамда босқинчиликлар билан давом этган. Шу пайтда Марказий Осиё, хусусан, Мовароуннаҳр ҳудуди кўчманчи ўзбеклар (Шайбонийлар (1501-1599) қўл остига ўта бошлаган. Улар бир неча бор Эронда шиаликни давлат дини сифатида кўтарган Сафавийлар (1502-1736) сулоласи билан тўқнаш келиб, қўлга тушган асирларни қул қилганлар (Vamberi H., 1990:87-88).

Марказий Осиёнинг сунний аҳолиси шиалик вакиллари мусулмон деб ҳисоблашмаган ва бу улар учун Эронда шиалик давлат дини сифатида эълон қилинганидан сўнг Эрон билан курашиш лозимлиги каторида мусулмон-шиаларни қул қилишнинг ғоявий сабаби бўлиб хизмат қилган. Шундан сўнг, ҳатто, сунний уламолар томонидан шиаларни “*кофир*” деган маънодаги фатволар чиқарилган бўлиб, бу фатволар Мовароуннаҳр сунний ҳукмдорларининг Эронга юришлари учун асос бўлиб хизмат қилган. Шайбонийлардан биринчи бўлиб бундай фатволардан бирини, яъни “шаҳар халқи шиа мазҳабига мансуб бўлса, уларни ўлдириш ва талаш лозим” деган мазмундаги фатвони 1586 йилда ёздириб олган Бухоро хони Абдуллоҳон (1557-1598) ўзининг давлати чегараларини кенгайтириш мақсадида қилган юришларида Машҳадгача етиб боради ва Хуросоннинг ичкарасига кириб бориб, Ҳиротни эгаллайди. Бу билан Абдуллоҳон эгаллаган ерлари аҳолисининг кўп қисмини ўзи билан Бухорога асир қилиб олиб келади (Fayziev T., 1990:8-9). Абдуллоҳон ва ундан олдин шиаларни “*кофир*” деган маънода чиқарилган фатволар натижаси ўлароқ суннийлар наздида Эрон “*кофирлар*” давлати сифатида муҳрланиб қолиб, уруш ҳамда

босқинчилик пайтида Эрон ва унга чегарадош ҳудудларда яшайдиган шиаларни суннийлар томонидан ўлдирилиши ёки қул қилиб Марказий Осиёга келтирилиши XIX асрнинг ўрталаригача давом этган.

XVI асрдан то XX аср 20-йилларигача, хусусан, Мовароуннаҳрнинг сунний ҳукмдорлари ва Эрон шиалари ўртасидаги диний ва ғоявий рақобатлари асосида юзага келган уруш ва босқинлар, Эрон ва унга чегарадош бўлган мамлакатлардаги сиёсий, диний, иқтисодий ва ижтимоий вазиятлар туфайли Марказий Осиёга шиалик вакиллари келиши кузатилган. Ушбу шиалик вакиллари асосан Эрондан келгани сабабли Марказий Осиёда, хусусан, ҳозирги Ўзбекистон Республикаси ҳудудида (эронлик яҳудийлардан ташқари) уларни *эроний* (форс. *эронлик*) этнографик атамаси билан атайдилар.

Аммо *эроний* умумий этник термин бўлиб, барча шиалар битта “субэтник”¹ гуруҳга тегишлилигини билдирмайди. Биз эронлик деб билган шиалар орасида (қайси шаҳардан келиб чиқишига қараб) ўзини *марви/маври* (*марвлик*), *сабзбори* (*сабзаворлик*), *машҳади* (*машҳадлик*), *гилони* (*гилонлик*), *мозандарони* (*мозандаронлик*), *нисои* (*нисолик*) деб атаганларни ҳам учратишимиз мумкин².

*Эроний*лар тил ишораларига кўра тожик ва туркий тиллиларга бўлинадилар. Чунончи, Бухоро хонлиги шаҳарлари тарихи бўйича тадқиқот олиб борган О.А.Сухарева Бухоро шахрининг тожик тилида гаплашувчи *форс*лар тили ва антропологик турга кўра Самарқанднинг туркий тилда гаплашувчи, кўчириб келиниши амир Шохмуродга (1785-1800) мансуб деб билинган қизилбошлилар авлодларидан фарқ қилишини ёзади (Mahdi Sanoyi, 1997:83). Биз 2007 йил январ ойида Самарқанд шаҳрида тадқиқот олиб бориб, эронийларининг Панжоб масжиди ва унинг атрофида истиқомат қилувчи ҳамда ишловчи эроний аҳоли сўзлашувида бунинг гувоҳи бўлганмиз.

Биз *эроний*лар деб билган этник (ёки “субэтник”) гуруҳга нисбатан О.А.Сухарева Бухоро хонлиги шаҳарлари тарихи бўйича нашр қилган ишларида *форс* (Suxareva O., 1976 : 365), *перс* (*форс*) деган сўзни ишлатиб, адабиётларга ушбу гуруҳнинг расмий номи сифатида *форс* терминини киритиш таклифи билан чиққан. О.А.Сухарева бундай

¹ “Субэтник” (“Субэтнос”) атамаси бу ерда маълум бир халқ ёки этносдан жуғрофий ёки сиёсий сабабларга кўра ажралиб чиққан гуруҳга нисбатан ишлатилмоқда [Islam na territorii bivshey Rossiyskoy imperii, 2006, 197-199 б.].

² Самарқанд эронийлари мозоридаги эпиграфик ёзувларни тадқиқ этган Б.М.Бобононов маълумотлари [Babadžanov B.M., 1998, 385-413 б.].

фикрга келишини 1910 йилда бўлиб ўтган “шиалар кирғини”дан сўнг, яъни Бухородаги сунний ва шиалар ўртасидаги муносабатлари кескинлашганда, шиалар олдинги *эроний*, *марвий* сўзлари таҳқиромуз ва душманлик руҳида ишлатилингани учун *форс* номини қабул қилишганлиги билан билдиради (Suxareva O., 1976: 82-83).

Шиаларни *форс* ёки *эроний*га бўлиниши ҳақида Помирда туман фуқаролар комиссари, профессор И.И.Зарубин фикр билдириб, *эроний* сўзини Марвдан кўчириб келтирилган шахсларга нисбатан қўллайди. Улар, яъни Марвдан кўчириб келтирилганлар (бизнингча, кул қилиниб, Бухоро хонлигининг кул бозорларида сотилган барча шиалик вакиллари) ўзларини *эроний* деб атайдилар, тожиклар билан аралашмайдилар, лекин улардан тили ва дини билан фарқ қилишига қарамай, кийинишлари ва ҳаёт тарзлари тожикларникидек – деб ёзади И.И.Зарубин (Zarubin I.I., 1925: 8).

*Эроний*лардан ташқари И.И.Зарубин Каспий орти вилояти шаҳарларида яшовчи форслар ҳақида алоҳида гапиради. Масалан, 1926 йил рўйхатга олиш бўйича келтирилган маълумотларда И.И.Зарубин Самарқанд вилояти бўйича *эроний*лар сонини 11 282, форслар сонини 654 деб келтиради (Zarubin I.I., 1926:24). Яъни бу ерда биз назарда тутган шиалик вакиллари икки – *эроний* ва *форс* – этник номлар билан аталмоқда.

Бу ҳақидаги маълумотларни биз бошқа адабиётларда ҳам учратишимиз мумкин. Масалан, “Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект” китобида 1926 йилда бошланган рўйхатга олишда Ўзбекистоннинг миллий таркибида *эроний*лар 9,2 минг, *форслар* 9,8 минг кишини ташкил этганини кўрамиз. Кейинги, 1939 ва 1959 йилларда ўтказилган ҳисоб-китобда *эроний*лар ҳам *форслар* ҳам алоҳида элат қилиб кўрсатилмайди ва уларни сонини билиш қийин. Аммо 1970 йил ҳамда 1979 ва 1989 йилларда ҳисоб олинганлар орасида фақатгина форслар номи учрайди ва уларнинг сони олдинги рўйхатга олинган даврларга қараганда икки барабарга кўпайганини кўрсатади. Масалан, 1970 йилда 15,5 минг форс рўйхатга олинган бўлса (Suxareva O., 1958:448-452), 1979 ва 1989 йиллар оралиғида Ўзбекистонда 20,0 минг форс рўйхатга олинган (al-Hasan ibn Musa an-Naubaxti, 1973: 54-68, 144-151).

Эроний этник гуруҳи бўйича тадқиқот олиб борган Ф.Д.Люшкевич (1926 йилда ўтказилган рўйхатга олишда келтирилгани каби) И.И.Зарубин келтирган форслар деб кимларга нисбатан ишлатганини аниқ айтмайди (Zarubin I., 1925:39). Лекин, бизнинг фикримизча, И.И.Зарубин ҳам,

1926 йилда рўйхатга олганлар ҳам персы/форслар сўзини XX асрнинг бошларида Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистон ҳудудига бошпана ва даромадли иш излаб келган Эрон фуқароларига нисбатан ишлатишган (Zarubin I., 1926:76; Aliyeva F., 2006). *Эроний* сўзи эса ўша пайтларда маҳаллий шиалар орасида тарқалган эди. 1970, 1979 ва 1989 йилларда ўтказилган рўйхатга олиш жараёнларида фақат форс сўзи учрашига қарамай, асрлар давомида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшаб келаётган кўплаб шиалик вакиллари ўзларини *эроний* деб атайдилар, ҳатто уларнинг паспортларида ҳам миллати деган ёзуви каторида *эроний* сўзини учратишимиз мумкин. Аммо ўсиб келаётган ёш авлод вакиллариининг ҳужжатларида эса миллати *ўзбек* деб онгли равишда кўрсатганининг гувоҳи бўламиз. Бу жараён табиий (яъни давлат муассасалари “ташаббуси” билан уюштирилмаган) ҳодиса. Қолаверса, *эроний*лар ўзининг “этник конвертация”га салбий баҳо беришмайди. Демак, шу каби “этник ассимиляция” жараёни табиийдир. Аммо қизиғи шундаки, *эроний*лар ўз урф-одатларини сақлаб қолган ва ҳатто мустақиллик даврида барча расм-русумларини тиклаган ва давлатнинг тегишли муассасалар томонидан бу жараёнга аралаштиш ёки уларга тўсқинлик яратиш сезилмайди.

2007 йилда Самарқанд шаҳри *эроний*ларнинг Панжоб ва Хўжа Соат маҳаллаларида ўтказган тадқиқотларимиз жараёнида “*Панжоб*” масжиди имоми ноиби Исҳоқов Юсуф (1953 таваллуд топган, миллати *эроний*) ва Эрон-ўзбек дўстлик жамияти ва маданият маркази раиси Ғуломов Равшан (Равшан полвон, 1960 йил таваллуд топган) билан бўлган суҳбатда улар Самарқандда *эроний*-шиалардан ташқари рус тилида сўзлашувчи озарбайжон шиалари ҳам истиқомат қилишларини ва уларни *персийен* деб аташларини ҳамда уларнинг айримларининг паспортларида *озарбайжон* ўрнига миллати *форс* деб ёзилганини айтиб ўтдилар. Шуни эслатишимиз ўринлики, 1995 йилги маълумотларга кўра, озарбайжоннинг 93% аҳолисининг асосий қисми шиаликка эътиқод қилади (Strani mira, 2002:13). Марказий Осиёда, хусусан, Ўзбекистонда тахминан 60 минг, Қозоғистонда (Islam na territorii bivshey Rossiyskoy imperii, 2006:175) тахминан 78 минг, Туркменистон, Қирғизистон ва Тожикистонда тахминан 20 мингдан ортиқ озарбайжон ҳозирда истиқомат қилади (inform.kz./rus/article/2207169, Azerbaijdzancu v Yzbekistane; planeta-imen.narod.ru, azerbaijan; forum.turan.info, chrono-tm.org). Ушбу озарбайжон миллатига мансуб кишилар Совет Иттифоқи даврида бўлган тузум ва юритилган сталинча сиёсат туфайли Марказий Осиё ҳудудида

жойлашган социалистик республикаларга бошқа – *рус, арман, чечен* ва х.к. каби миллат вакиллари каторида кўчириб келтирилган. Совет Иттифоқи давридаги сиёсат ва вазият Марказий Осиёга келган озарбайжонларнинг дунёқараши, эътиқоди, урф-одатларига таъсир кўрсатмай қолмади. Масалан, 2007-2011 йилларда Тошкент давлат шарқшунослик институти Сиёсатшунослик факультети Халқаро муносабатлар йўналиши бакалавр талабаси, миллати озарбайжон бўлган Гаджиева Сакина Фикретовнанинг айтишича, амакиси вафот этганда унинг оиласи ён қўшилари бўлган арман ва руслар билан биргаликда христианлик одатига кўра мусикалар садоси остида дафн қилган. Энди эса биз, яъни озарбайжонлар, мусулмон эканлигимизни тушуниб етмоқдамиз – деб қўшиб қўйган Гаджиева Сакина. Озарбайжон-шиалар ўзини мусулмон деб англашига албатта, улар яшаётган давлатларда ташкил этилган маданий-маърифий марказлар катта аҳамиятга эга. Бинобарин, бундай марказлар Туркменистоннинг Туркманбоши (олдинги Красноводск), Қозоғистоннинг Олма-ота, Қирғизистоннинг Бишкек, Тожикистоннинг Душанбе, Ўзбекистоннинг Навоий, Самарқанд вилоятлари, Фарғона водийси ва Тошкент шаҳрида мавжуд. Ўзбекистондаги озарбайжонларнинг илк маданий маркази 1989 йилда Тошкент шаҳридаги “Гардашлык” (“Қардошлик”) ва яна бири Самарқанд вилоятида очилган (forum.turan.info, showthread).

Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон эроний шиаларининг Совет Иттифоқи давридаги ҳаёти ҳам ўзига хослиги билан ажралиб турарди. Аввалам бор, шиаларни, бошқа дин ва миллат вакиллари билан бир қаторда, советлаштириш жараёнининг оқибатида уларнинг шиалик ҳақидаги билимлари ғира-шира, тўғрироғи, маълум (афтидан, соддалаштирилган) диний маросимлар кўринишида сақланиб қолган. Уларни бундай кўринишда кўплаб тадқиқотчилар учратишган. Масалан, Самарқанддаги илмий изланишлар жараёнида Б.Бобожонов ва А.Мўминовларнинг айтишларича, ҳатто, Самарқанднинг “янги” диний раҳбарлари 1990-йилларнинг бошларида шиалик ҳақида, унинг устига унинг ички оқим ва фирқалари ҳақида умуман кенг билимларга эга эмас эдилар. Гарчи, бошқа тарихий маълумотларга кўра, шиалар Эрондаги диний раҳбар – *оятулло, маржа ат-тақлид* □ Рухулло Мусави Хумайни (1979-1889) ва унинг издоши Сайид Али Хомани (1989 йилдан ҳозиргача) ҳақида эшитган бўлиши мумкин.

Шунинг учун ўша пайтларда, яъни Совет даври ниҳоясига етаётган пайтда, эроний сифатида ўзини тарихий-этник англаши ҳақида гапириш ўринли

бўлиб, диний англаш эса (атеистик сиёсат оқибатида) шунчалик ёддан чиққан эдики, эронийлар ҳақида алоҳида бир диний ва ҳатто, этник гуруҳ сифатида гапириш тўғри келмас эди. Совет Иттифоқи даврида эронийларнинг гуруҳий ўзини англаши, чунончи, Совет даври воқелиги шароити кўтарган меъёрларда, айрим маросим ва маросимий йиғилишлар орқали этник жихатдан ўзаро ҳиссиётларда сақланган. Аммо эронийлар, ҳар қандай даражада маҳаллий аҳоли – ўзбеклар, тожиклар ва бошқа халқ ва этник гуруҳларга қўшилиб, улар билан елкама-елка фаолият олиб боришган.

Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон эронийларнинг асосий қисми Самарқандда истиқомат қилади. Бизнинг фикримизча, Самарқанд 1910 йилда Бухорода юз берган шиалар ва суннийлар ўртасидаги қонли тўқнашувлардан сўнг эронийлар учун асосий бошпанага айланган. Ўша пайтларда кўплаб эронийлар, туб аҳоли бўлиб қолган эронийлар берган маълумотларга кўра, Бухородан қочишган ва мустамлака бўлган Самарқандда паноҳ топишган. Улар бу ердаги вазиятга кўникиб, ўзларининг меҳнатқашлиги ва топқирлиги билан яшаб кета олишган. Бунинг натижаси ўларок, эронийларнинг меҳнати билан Самарқанддаги Дарғом канали қурилган. Бу канал самарқандликлар хотирасида “*Эрон ариғи*” номи билан ёдда қолган. Кейинчалик ушуб канал атрофида Панжоб (Беш оқим, ўзан), Хўжа Соат, Лолазор, Тўпхона, Мингтут, Боғишамол, Қуллар боғи (ҳозирда Гуллар боғи), Бекмаҳалля каби эронийларнинг маҳаллалари вужудга келган. 1928 йилдан 1930 йилгача Самарқанднинг айнан шу жойида Эрон боғишамоли тумани бўлган (Aliyeva F., 2006).

Марказий Осиё, хусусан ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшовчи эронийларнинг кенг тарқалган машғулоти – ипак тўқиш (*шоибобофи*), қандолат маҳсулотларини тайёрлаш (*қанноди*), доривор зиралар сотиш (*аттори*) ва заргарлик иши (*заргарчи*) бўлган (Aliyeva F., 2001, 123-125 б. Aliyeva F., 2006). Ҳозирга келиб эса, эронийлардан бўлганларни мамлакатнинг турли жабҳаларида фаолият кўрсатаётганини учратишимиз мумкин.

2007 йил Самарқандга шаҳарнинг эроний аҳолиси тарихи, турмуш тарзи ва маданияти бўйича тадқиқот олиб олиб бориш учун борганимизда Самарқанддаги эронийлар мавзесида жойлашган “*Тўмарис*” меҳмонхонасида қўним топганмиз ва биринчи бўлиб, эронийлар жонли кундалик сўзлашувларида туркий сўзларни ишлатишларига гувоҳ бўлдик. Бу ҳақда Самарқанд Давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедраси доценти, т.ф.н., ўзи эронийлардан бўлган Алиева Фотима Сатторовна билан бўлган

сухбатда у киши Эронда турли миллат вакиллари – форслар, озарбайжонлар, курдлар каби миллатлар вакиллари истиқомат қилишини, Самарқандлик эронийлар Эрон Озарбайжонидан, яъни Эроннинг Озарбайжон вилоятидан (Остон-э Озарбайджон)дан чиққанлигини ва озарбайжон тили ўзбек тилига яқин бўлганлиги учун туркий сўзлар ишлатишларини, шунингдек, 1970 йилда бўлиб ўтган умумиттифок рўйхатга олиш жараёнида Ўзбекистонда 15457 эронлик рўйхатга олинган бўлиб улардан 12202 таси ўзининг она тилиси сифатида ўзбек тилида сўзлашиши қайд этилганини айтиб ўтган (Aliyeva F., 2006). Яна шуниси қизиқки, айрим эронийлар ўзларини шиаликнинг жаъфарийлик мазҳабига асосланган имомийлик оқими вакили деб ҳисоблашади³. Яъни тил жиҳатдан кечаётган ассимиляция ҳолатлари эронийларнинг диний конвертациясига айланмади. Этнографик жиҳатдан бу жараён айниқса эътиборга сазовордир.

Фотима Алиева ўз тадқиқотларида Ўзбекистонда эронийлардан бўлган кўплаб фан ва маданият арбоблари чиққанлигини ёзади. Масалан, ушбу тадқиқотларда шоир ва насрнавис Абулқосим Лоҳутий, хивалик литограф уста Иброҳим Султон, Бухоро амирлигида инқилобий ҳаракат иштирокчиси, кейинчалик тарихчи профессор Алиев (муаллифнинг отаси бўлиши мумкин), шарқшунос-педагоглар К.Шитфар, А.Табатабои, Д.Эфтекор, М.Тагеев, эроншунослар Латиф Ҳалилов ва А.Патсун, режиссер Сайид Али Охунзода, артист Рашид Файзи, Ўзбекистон Республикасининг Таиланддаги собиқ консули Парвиз Алиев каби инсонларнинг номларини учратишимиз мумкин (Aliyeva F., 2006). Биз эса ўз ўрнида уларнинг орасига Ўзбекистон халқ артисти Насиба хонум Абдуллаевани қўшишимиз мукин. Озарбайжонлардан эса, Алишер Навоий номидаги давлат академик ва балет театри режиссёри, Ўзбекистон ва Озарбайжон халқ артисти Ф.Сафаров, ёзувчи А.Нажафов, Ўзбекистон бадиий академияси расмони Ю.Ҳусайновларни тилга олиш жоиз(forum.turan.info, showthread).

Ҳозирда Ўзбекистон эронийларининг асосий меъморий мероси ҳақида гапирар эканмиз, Самарқандда Совет Иттифоқи пайтида “ЎзССР Самарқанд шаҳар “Оғойи Мирҳасан” диний жамияти Панжоб масжиди” деб номланган *Панжоб* масжид ва мадрасаси ҳақида гапириб ўтмасдан иложи йўқ. Мадраса XIX асрда бизгача етиб келмаган масжид ва унинг минораси билан қурилган бўлиб, меъмори

Хўжа Абдураим бўлган. Ушбу комплекс Ҳожибобо Абдуохунбек деган шахснинг вақф ерида қурилган. Панжоб мадрасаси 1908 йилдан бошлаб ишга тушган бўлиб, бу ерда тарбияланувчилар диний ва дунёвий илмларни ўрганишган. 1924 йилгача иморат яхши ҳолатда сақланган бўлиб, ўзининг белгиланган моҳиятига кўра фойдаланилган. 1924 йилдан мадраса (Совет иттифоқининг кўплаб диний муассасалари каби) турли хил ташкилот ва идоралар учун мослаштирилган ва ўшандан бери иморатга қайта ишлов берилган. 1939-1943 йилларда мадрасада хунармандчилик билим юрти жойлаштирилган. Кейинроқ иншоот ҳар хил идора – қурилиш, савдо, магазин, почта сифатларида фойдаланилган. 1990 йилга келиб Панжоб мадрасаси Самарқандаги эронийлар аجدодлари томонидан қурилган Мурод Авлиё хотира комплекси билан биргаликда ўзининг ҳақиқий соҳиблари бўлган мусулмон-шиалар қўлига ўтган. Шу йилнинг 10 мартидан Панжоб мадрасасида “Эронийлар маданият маркази” ташкил этилган. Мадрасага туташган масжид ўрнига 1997 йил янги масжид қурила бошлаган ва 1999 йилда ишга туширилган. Бундан ташқари Панжоб масжид ва мадрасасидан 50 метр ораликда Панжоб мазороти назорати ҳам эронийлар қўлига ўтган. Айтишларича, у ер қардошлар қабристони бўлиб, эронийлардан ташқари араб, яҳудий ва курдлар дафн этилган. Бизга самарқандлик эронийлар томонидан берилган маълумотларда шаҳарда 9 та эронийлар масжиди бўлиб, улардан фақат иккитаси рўйхатдан ўтганлиги учун очиқ ҳисобланади. Бухорода эса бундай масжидлардан фақат биттаси (Бухоро шаҳри Самарқанд кўчасида жойлашган масжид) очиқ ҳисобланади (Aliyeva F., 2001:126; Aliyeva F., 2006).

Демак, Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилувчи эронийлар бу ердаги халқларнинг бири сифатида сақланган. Эронийлар маҳаллий халқлар билан анча яқинлашиб кетиши билан бир қаторда, ўзларининг диний ва этник идентификациясини сақлаб қолишга муваффақ бўлди. Бундай ҳолат Марказий Осиёдаги мамлакатлардан кўпроқ Ўзбекистонда учрайди. Шу билан бир қаторда, мавжуд шароитлар туфайли эронийларни Ўзбекистон маданияти ва фанига қўшган ҳиссаси шубҳасиздир. Бу жараёнлар мафкуравий жиҳатдан эътиборга сазавор бўлишидан уларок, илмий (этнологик ёки тарихий) жиҳатдан ҳам қизиқарлидир. Яъни эронийлар каби этник гуруҳлар маҳаллий шароитларга мослашиб, ҳатто шу шароитларга ўзининг тегишли таъсирларини кўрсата олган. Демак биз эронийларнинг чекланган ассимиляция жараёнини (айниқса тил ва маданият жиҳатлардан) кузатсакда, аммо ушбу этник гуруҳ ўзига хос хусусиятлари (идентификацияси)ни сақлаб

³ Оятуллоҳ (“Аллоҳ мўъжизаси”) ва Маржа ат-таклид (“Таклид қилиш объекти”) – шиалар оламида кўзга кўринган ва юқори мартабага эришган руҳонийларга бериладиган унвонлар (Ш.Тохтиев).

қолган. Келажакда шу каби омилларни этнологлар албатта кенг ва чуқурроқ ўрганиши лозим. Хусусан, эронийларнинг ҳар хил шароитларга адаптация (мослашиш) сабаблари ва турларини аниқлаш долзарб масала деб ўйлаймиз.

Марказий Осиёда эроний-шиалардан ташқари шиаликнинг исмоилийлик оқими вакиллари ҳам, асосан катта жамоа бўлиб Тожикистоннинг Тоғли-Бадахшон муҳтор вилояти ва Афғонистоннинг Бадахшон вилоятида, истиқомат қиладилар.

Тарихий маълумотларга кўра, 1920 йилда Помирда Совет ҳукумати ўз ҳукмронлигини ўрнатган. 1923 йилда эса Ғарбий Помирнинг Рошан, Шугнан, Ҳорон, Ишқашим ва Вохан туманларидан ташкил топган Тоғли-Бадахшон Туркистон АССР таркибига қўшилган. 1925 йилнинг 2 январида Тоғли-Бадахшон муҳтор вилояти Тожикистон Республикаси таркибидаги муҳтор вилоят деб эълон қилинган (Ҳаруков Л.Н., 1995:127). 2006 йилги рўйхатга олиш натижаларига кўра Тожикистон Республикаси Тоғли-Бадахшон муҳтор вилояти аҳолиси 2,2 мингга тенг бўлиб, уларнинг кўпчилиги шиаликдаги исмоилийлик оқими вакиллари.

Тоғли-Бадахшон муҳтор вилоятида Марказий Осиёдаги энг баланд тоғлар ва кўплаб қўллар бўлганлиги учун бу ерни гоҳида “Дунёнинг томи” деб аташади. Бу ердаги энг баланд тоғ чўққиси 7495 метрни ташкил этиб, Исмоил Сомоний чўққиси (олдин Коммунизм чўққиси) деб аталади.

Тоғли-Бадахшон муҳтор вилоятдан СССР халқ артисти, балетмейстер Ғуломалиев Ғуломҳайдар (1904-1961), 1990 йилда СССР кинематографлари жамияти раиси Ҳудоназаров Давлат, 2004 йилда юрист Шовалиев Жўра каби давлат ва жамият арбоблари етишиб чиққан(Shastik N., ryanj.freenet.tj/opasig).

Афғонистоннинг Бадахшон вилояти аҳолисининг кўпчилиги исмоилийлик оқими вакили ҳисобланиб, улар Тожикистондаги Тоғли-Бадахшон вилояти аҳолисидан айриқ ҳолда яшайдилар. Бадахшон вилоятининг миллий таркиби тожиклар, помирликлар ва ўзбеклардан 900 минглик аҳолидан иборат.

Совет ҳукумати Тоғли-Бадахшон вилоятида ҳукмронлик ўрнатгандан сўнг қўлланилган сиёсат маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи ва маданиятига таъсир этмай қолмади. Бунга қарши Англия ва асосан ўзининг фойдасини кўзлаган низорий исмоилийлари Ҳиндистоннинг Бомбей шаҳрида жойлашган имоматининг 48 имоми сэр султон Муҳаммадшоҳ Оғо Хон III (1877-1957) душманлик билдириб, *большевик* сўзини *шайтон* сўзига тенглаштирган. Чунки Оғо Хон маҳаллий пирлар

орқали имомат учун закот олиб турган, инглиз империалистлари эса улардан Англия фойдасига жосуслик қилишда фойдаланган. Айрим жосуслик учун юборилган муридлар эса Афғонистоннинг Бадахшон вилояти орқали Бомбейдаги имомат хабар ва топшириқларини Тоғли-Бадахшон пирларига етказиб туришган(Ҳаруков Л.Н., 1995:114-148).

Кўпчилик низорий (шарқий) исмоилийлари Оғо Хон IIIни “*тирик худо*” деб биладилар. Унинг Англия империалистлари билан тил бириктириши бутун Оғо Хонийлар учун дунёда катта бойлик ва обрў келтирган. Оғо Хон III 1906 йилда Англия мусатмлака ҳокимияти вакиллари билан Британия ҳукмронлигини мустақкамлаш йўлида Бутун Ҳиндистон Мусулмонлар лигасини такшил этади ва 1913 йилгача ушбу лиганинг муттасил раиси бўлиб келган. Лига тарихидаги ушбу ҳолат ғалати ҳисобланади, чунончи, мусулмонлар Оғо Хон III ва унинг тарафдорларини диндор мусулмон ҳисоблашмаган.

1940 йилдан 1946 йилгача Оғо Хон III Ҳиндистондаги мусулмон сиёсий ташкилотлардан айриқ ҳолда фаолият олиб боришига қарамай, исмоилийлар иерархияси вакиллари ёрдамида ҳиндавийлар Ҳиндистонидан мустақил мусулмон Покистони учун ҳаракат олиб борган. Покистон 1947 йилда Ҳиндистондан ажралиб, мустақил давлатга айланиши Ҳиндистон мусулмонлари учун фойда келтирмайди, улар жамоа-жамоа бўлиб Ҳиндистоннинг турли вилоятларида қолиб кетадилар ва ҳиндавийлар билан ўзаро муносабатларидаги кескинлик қолиб кетади (Ҳаруков Л.Н., 1995:70-86).

Ҳозирга келиб низорий исмоилийларининг раҳнамоси 49 имом Карим Оғо Хон IV (1936 йил дунёга келган) бўлиб, у сэр султон Муҳаммадшоҳ Оғо Хон IIIнинг набираси ҳисобланади. Ғарб (Гарвард университети) таълимини олган Карим Оғо Хон IV дунёнинг энг бой одамларидан биридир. Оғо Хон IV бобоси вафотидан сўнг Британия қироличаси томонидан “*Зоти олийлари*” унвони берилган. У ўзининг Фондига эга бўлиб, бу Фонд ёрдамида Оғо Хон IV ривожланаётган мамлакатларда иқтисодий лойиҳаларни амалга оширишда маблағ билан таъминлаб туради.

Оғо Хон IV дунёда ўзига хос обрўга эга бўлиб, ҳатто 1991 йилда Бирлашган миллатлар ташкилотининг раислиги лавозимига тайинлашда мисрлик Бутрос Ғолига рақобатчи бўлган.

Сиёсатшунос Наталья Шастикнинг фикрига кўра, ҳозирга келиб Афғонистоннинг Бадахшон вилояти кўкнор ўсимлигини етиштириш бўйича Афғонистонда етакчи ҳисобланади ва низорийлар имоматининг таъсири бу ерда сусайган. Шунинг

учун Оға Хон IV Бадахшон жамоаларини ўз назорати остига олиш йўлида фаол ҳаракат қилмоқда. Оға Хон IVнинг 2000-2002 йиллар оралиғида Марказий Осиё мамлакатлари бўйича уюштирган сафарларида Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон ҳукуматлари ва исмоилийлар имомати билан ўзаро икки томонлама ҳамкорлик ва Марказий Осиё университетини ташкил этиш бўйича шартнома имзолаган. Шуниси қизиқки, Марказий Осиёнинг ушбу давлатлари раҳбарлари рози ҳолда бу ҳужжатларни имзолашган. Афтидан ушбу давлатларга ваъда берилган молиявий ёрдам ушбу давлатларда исмоилийларга бўлган анъанавий нафратни боса олишлари учун етарли далил бўла олган(Shastik N., pyanj.freenet.tj/opasigr).

Шундай қилиб, бугунги кунда Марказий Осиёда 150 га яқин миллат ва элат вакиллари истиқомат қилиб келмоқда. Уларнинг қаторига шиаликнинг турли оқим ва фирқаларига эътиқод қилувчи эронликлар, озарбайжонлар ва Тожикистоннинг Бадахшон вилояти аҳолиси киради. Улардан айримлари турли даврларда ватанларида рўй берган сиёсий, иқтисодий ва маданий вазиятлар туфайли у ерни ташлаб, тақдир тақазоси билан Марказий Осиё давлатлари ҳудудларига келиб қолган шиалик вакиллари ўзларига бегона юрт шароитларига кўникиб, жамиятдаги ўз ўринларини топишга ҳаракат қилганлар ва бунга эриша олганлари шу юртларда ўтrockлашиб кетган, бундан ташқари атрофларидаги суннийлик диний муҳитига қарамай, ўзлари истиқомат қилаётган давлатнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий ва маданий ишларида фаол қатнашиб келишган ва келишмоқда. Лекин, шунга қарамай, айрим жойларда улар ўз эътиқоди ва урф одатларини бажаришда суннийлар томондан тўсқинликларга учрамоқдалар. Мисол учун, Тожикистонда ҳанафийлик мазҳаби “ягона давлат мазҳаби” сифатида тан олиниши сиёсати туфайли исмоилийлар “конфессионал дискомфорт” (нокулайлик) сезмоқдалар ва ҳатто, улар тожиклардан ўз дини ва миллатини алоҳида кўрсатишларига олиб келмоқда. Бунга қўшимча, ўтган 2011 йилнинг декабр ойида Тожикистон Ислом маркази уламолари кенгаши Тожикистон бирлашган муҳолифати етакчиларидан бири бўлган, Тожикистондаги машҳур диний ойила вакили Ҳожи Акбар Тўражонзоданинг 2 декабрда Вахдат шаҳрининг *Туркобод* жомеъ масжидида уюштирган *ашуро* мотам маросимига қарши чиқдилар ва ушбу маросимни ўтказишни давлат раҳбариятидан ман этишни талаб қилмоқдалар(sunna-press.com, 2011).

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, ҳозирги Тоғли-Бадахшонда истиқомат қилувчи исмоилийлар

ўзларининг маданияти ва динини деярли ўзгармаган ҳолда сақлаб қолишган. Бунинг сабаблари бир нечтадир. Биринчидан, улар яшаган жой собиқ Бухоро хонлиги ва ҳозирги Тожикистонларнинг бошқа ҳудудларидан табиий тўсиқ (тоғ)лар билан ажратилган ва шу сабаб анча изоляция ҳолатдадир. Иккинчидан, тарихий сабабларга назар ташласак, исмоилийлар кўп йилдан бери атрофдаги давлат ва халқлар билан кўпинча қарама-қаршиликда бўлган. Учинчидан, мазкур қарама-қаршиликларни кучатирадиган омил – исмоилийларнинг конфессионал қонунлари ва идентификациясини назарда тутиш лозимдир. Хуллас, Тоғли-Бадахшон исмоилийлари ўзининг кўп йиллик тарихи ва маданиятига эга ва ўз эътиқодларини сақлаб келмоқдалар.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Aliyeva F. Iransi Samarkanda // *Uzbekistanskiy humanitarniy jurnal «Obshestvennoe mnenie. Prava cheloveka»* №1 (13), – T.; 2001.
2. Aliyeva F. Samarkandskie iransi. centr-asia.narod.ru/iran 20.06.2006-09:46 AM.
3. al-Xasan ibn Musa an-Naubaxti. Shiitskie secti. Perevod s arabskogo, issledovanie i kommentariy S.M. Prozorova. – Moskva, Nauka, 1973.
4. Ata-Mirzaev O., Gentshke V., Murtazayeva R. *Uzbekistan mnogonatsionalniy: istoriko-demograficheskiy aspekt*. – T.: Izd. medisinskoy literaturi imeni Abu Ali Ibn Sino, 1998.
5. Babadžanov B.M. On the history of the naqshbandiyya muqaddiyya in Central Maawarānnahr in the late 18th and early 19th centuries // *Muslim culture in Russia and Central Asia from the 18th to the early 20th centuries*. – Berlin, Klaus, Schwartz, Verlag. 1998.
6. Islam na territorii bivshey Rossiyskoy imperii. *Ensiklopedicheskiy slovar. Pod redaksiyey S.M.Prozorova*. – M.: Izdatelskaya firma «Vostochnaya literatura» RAN, 2006. T. I.
7. inform.kz/rus/article/2207169
8. Fayziev T.A. Buxoro feodal jamiyatida qullardan foydalanishga doir hujjatlar (XIX asr) («Dokumenti ob ispolzovanii rabov v feodalnoy Buxare (XIX v.)»). Na uzbekskom yazike. – T.: Fan, 1990.
9. forum.turan.info/showthread; chrono-tm.org
10. Gafurov B.G. *Istoriya tadjikskogo naroda v kratkom izlozenii. Tom perviy. S drevneyshix vremen do velikoy oktabrskoy sotsialisticheskoy revolyusii 1917 g.* – Moskva, Gospolitizdat, 1949.
11. Lyushkevich F. D. *Etnograficheskaya gruppa ironi // Zanyatiya i bit narodov Sredney Azii*. – L.: SPbGU, 1971.
12. Mahdi Sanoyi “Nehovandi”. *رد ناری هاگیاج یاسا* (Markaziy Osiyodagi Eron joylari). – Tehron, Xalqaro chin e’tiqod nashriyoti, 1376/1997.
13. planeta-imen.narod.ru/imena/azerbaijan

14. [podrobno.uz/cat/calche/Azerbajdzancu v Yzbekistane](http://podrobno.uz/cat/calche/Azerbajdzancu_v_Yzbekistane)
15. Shastik N. Opasnie igri na Krishe mira: Nad Sentralnoy Aziey navisla ugroza novoy agressii – ismailitskoy. pyanj.freenet.tj/opasigr
16. Slovar etnonimov. – M.: Nauka, 1988.
17. اقوام مسلمان اتحاد شوروی (Sovet ittifoqining musulmon qavmlari). Tuzuvchi Shirin Akiner, tarjimon Muhammad Husayn Oriyo. Fors tilida. – Tehron. Ilmiy va madaniy nashrlar shirkati, 1367/1988.
18. Strani mira: Ensiklopedicheskiy spravochnik. – Smolensk. Rusich, 2002.
19. sunna-press.com/news/snq/527-zapret-na-obradi-rafiditov. 17.12.2011.
20. Suxareva O.A. K istorii gorodov Buxarskogo xanstva. – T.: Izd. AN UzSSR, 1958.
21. Suxareva O.A. Kvartalnaya obshina poznefeodalnogo goroda Buxari. – T.: Nauka. 1976.
22. Vamberi H. Buxoro yoxud Movarounnahr tarixi. Nashrga tayyorlovchi Sirojiddin Ahmad. – Toshkent, G'ofur G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti, 1990.
23. Xaryukov L.N. Anglo-russkoe sopernichestvo v Sentralnoy Azii i ismailizm. – M.: Izd. Moskovskogo universiteta, 1995.
24. Zarubin I.I. Spisok narodnostey Turkestanskogo kraya. – L.; 1925.
25. Zarubin I.I. Naselenie Samarkandskoy oblasti. – L.; 1926.

